

Йўналиш: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ

ЛОЙИХА НОМИ:

**“МАМЛАКАТИМИЗ ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИ
ТАДБИРКОРЛИККА ЎҚИТИШ БЎЙИЧА ЯГОНА ОНЛАЙН
ПЛАТФОРМА ЯРАТИШ”**

ТОШКЕНТ 2022



ЛОЙИХА ҲАҚИДА

Лойиҳанинг асосий мақсади: Ўзбекистонда аёллар тадбиркорлик ҳаракатини янги босқичга олиб чиқишдан иборат. Бунинг асосий воситаси хотин-қизларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш имконини берувчи, тадбиркорлик соҳасидаги билим ва кўникмаларини доимий оширишга қаратилган ягона ОНЛАЙН платформани яратиш.

Лойиҳа доирасида: Тадбиркорлик фаолиятини бошлиётган хотин-қизларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, уларни керакли касб - ҳунарга йўналтириш, ўқитиш ва қайта тайёрлаш, малакасини ошириш учун ноёб онлайн платформа ишлаб чиқилади.

Тадбиркорликнинг турли йўналишларида хотин қизлар фаолияти самарадорлигини ошириш, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишга қаратилган ўқув услубий қўлланмалар яратилади. Тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўймоқчи бўлган аёллар учун бизнес кўникмалар шакллантирувчи, уларни касбга йўналтирувчи, қайта

Лойиҳанинг долзарбилиги


- Ўзбекистон Президенти томонидан ҳар йили 5000 нафар хотин қизларни тадбиркорликка бепул ўқитиш, 15 000 нафар аёлларни ишга жойлаштириш вазифаси қўйилди. Ягона ОНЛАЙН ўқитиш тизими яратилса ҳар бир ҳудуддан бир ойда ўртача 60 нафар аёлларни, мамлакат бўйича 840 нафар аёлни, бир йилда эса 11 760 нафар хотин қизларни тадбиркорлик асосларига бепул ўқитиш имконияти пайдо бўлади.
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8-январдаги «Хотин қизларни ижтимоий қўллаб қувватлаш қўшимча чора тадбирлари тўғрисида»ги қарорда «Тадбиркор аёл» Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси ва бошқа масъул ташкилотларга хотин қизларни тадбиркорликка ўқитиш, кредит олиш ва бизнесларини юритишларига амалий ёрдам кўрсатиш вазифаси юкланган.

ЛОЙИХА ИЖРОЧИСИНИНГ АФЗАЛЛИЛАРІ



- Лойиҳа «Тадбиркор аёл» ассоциацияси ташаббуси билан илгари сурилган. Лойиҳада иқтисодиёт, ҳуқуқ ва илмий тадқиқотлар олимлари, Ассоциациянинг масъул етакчи ходимлари иштирок этадилар.
- Ассоциациянинг мамлакат ҳудудларида 68 та давлат рўйхатидан ўтган бўлимлари мавжуд бўлиб, 200 нафардан ортиқ бизнес тренер ва мутахассислари фаолият юритмоқдалар. Ассоциация 30 йиллик тарихга эга бўлиб, хотин қизларга бизнес таълим бериш фаолиятига ихтисослашагн.
- Ўтган даврда маҳаллий ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликда аёллар иқтисодий, молиявий, ҳуқуқий билимларини оширишга қаратилган 100 лаб лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилган.
- Таълим дастурлари баробарида бизнес қилмоқчи аёллар учун ўқув методик қўлланмалар ишлаб чиқилиб, уларга бепул тарқатиб берилган. Натижада, 50,3 минг нафар хотин қизлар тадбиркорлик кўникмаларига эга бўлдилар. Уларнинг 80 фоизи иш билан банд бўлди. 43 минг нафарлари ўз тадбиркорлик фаолиятларини йўлга қўйишга муваффақ бўлдилар.
- Мұхими, Ассоциация хотин қизларни бизнес ва тадбиркорлик асосларига ўқитишига ихтисослашган.

ЛОЙИХА МАҚСАДЛАРИ



Ўзбекистон аёллари учун
халқаро меъёрлар ва
стандартларга мувофиқ
инновацион технологиялар,
ҳуқуқий ҳужжатлар, ўқув
услубий қўлланмалар
асосида онлайн бизнес
таълим тизимини ва
дастурий йўриқномаларини
яратиш

Аёлларни
тадбиркорликка
ўқитиш ва қайта
тайёрлаш, малакасини
oshiриш учун ягона
онлайн платформасини
шакллантириш

Лойиҳани амалга ошириш
орқали тадбиркорлик
асослари тизимли ўқув
жараёнини йўлга қўйиш ва
уларнинг умумий
билимларини ошириш учун
ягона онлайн платформани
ишга тушириш

Ягона онлайн
платформадан
фойдаланиш
бўйича амалий
қўлланма
тайёрлаш

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛКНИ ЯРАТИШ РЕЖАСИ

I қадам

Ягона онлайн платформа яратиш концепциясини ишлаб чиқиш



II қадам

Онлайн платформанинг техник параметрларини ишлаб чиқиш



III қадам

Манфаатдор шахслар учун онлайн тренинг ўтказиш



IV қадам


Тест режимида онлайн платфор мани синаб кўриш



V қадам

Онлайн платформани ишга тушириш

Лойиҳанинг асосий мақсади: тадбиркорлик фаолиятини бошлиш истагидаги аёлларни ўқитиш ва қайта тайёрлашнинг ягона онлайн тизимини шакллантириш. Мазкур тизим тадбиркорликни ривожлантириш орқали аёллар турмуш даражасини ошириш, аёллар учун янги, барқарор даромад манбаларини шакллантиришга хизмат қиласди..



Кутилаётган натижалар



Илмий базани шакллантириш – таҳлилий маъruzалар, ўқув – методик қўлланмалар билан таъминлаш, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, онлайн ўқув дастурлари орқали ҳуқуқий ва молиявий билимларини мустаҳкамлаш

Замонавий технологиялардан фойдаланиш – Пандемия онлайн ишлаш ва онлайн ўқиш тизими қанчалик долзарб, оқил ва самарали жараён эканлигини кўрсатди. Аксарият ривожланган хорижий мамлакатларда бундай тизим ўз самарасини бериб келмоқда. Хусусан, Россия ва Жанубий Корея каби мамлакатларда хотин қизларни тадбиркорликка ўргатиш онлайнсамарали тизими яратилган.

Ижтимоий – иқтисодий таъсири – Онлайн платформанинг яратилиши тадбиркорликни ривожлантириш ва таълим соҳасида муҳим ижтимоий ижобий самара беради. Бизнес тренинглар ўтказиш, кофе брейклар, тушлик, йўл харажатлари, бизнес тренерларга гонорарлар, бино ижараси ва бошқа ташкилий ишларга кетадиган харажатлар тежаб қолинади. Хотин қизлар хонадон юмушларидан ажralмаган ҳолда тадбиркорлик асосларини ўрганиш имкониятига эга бўладилар.

Тижоратлаштириш истиқболлари – Лойиҳа натижаларини тижоратлаштириш истиқболлари дастурий таъминотни амалда тадбиқ этиш билан боғлиқ бўлиб, тижорат банклари томонидан бериладиган кредитларни олиш, ўз бизнесини ривожлантириш мақсадидаги хотин-қизларга маълум миқдорда маблағ тўлаб масофавий таълим олиш имконини беради. Дастурий таъминотдан бошқа турдош таълим муассасалари ҳам фойдаланишлари мумкин.

1

Жаҳон илғор тажрибасидан келиб чиқиб, хотин қизларни тадбиркорлик кўникмаларига ўргатиш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш учун онлайн платформа яратилади. Ўқув курсларининг ҳар босқичи ва йўналиши бўйича таълим даражасини баҳолаш учун тестлар тўплами ишлаб чиқилади. Ягона онлайн платформа яратишнинг илмий ва амалий жиҳатлари ўрганилади.

2

Онлайн платформа кўп модулли, босқичма босқич инновацион ўқув дастури бўлади. Тадбиркор аёлларни керакли маълумотлар билан таъминлаш мақсадида услубий ва ўқув қўлланмалар тайёрлаш билан боғлиқ муаммолар ҳал этилади.

3


Тадбиркор аёллар учун электрон тадбиркорлик курсининг асосий йўналишлари (бизнес, солиқлар, банклар, кредитлар, бухгалтерия ҳисоби, ҳуқуқий ҳужжатлар) бўйича амалий қўлланмалар ишлаб чиқилади.

4

Иш жараёнида хотин қизлар тадбиркорлиги, тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари самарадорлиги, мавжуд муаммо ва камчиликлар ўрганилиб, таҳлиллар асосида далилларга асосланган тавсиялар ишлаб чиқилади.

5

Тадбиркорлик фаолиятни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари, солиқ ва божхона қонунчилиги, молиявий масалалаларни тартибга солувчи ҳужжатлар мажмумини ўз ичига олган, доимий янгиланиб турувчи маълумотлар базаси яратилади.



ДҮНЁ ТАЖРИБАСИ ТАҲЛИЛИ

КОРПОРАТИВ
БОШҚАРУВ

РОССИЯ ТАЖРИБАСИ: Бизнес модулли рақамлаштириш ва глобаллашув жаораёнларини уйғунлаштиради. Бизнес менежерларни бизнес самарадорлигини ошириш учун инновацион ёндошувларга ўгатади. Миллий натижа: Россия ялпи ички маҳсулотида бизнес улуши - 21,9% (2019)

ГЕРМАНИЯ ТАЖРИБАСИ: Бизнесда рақамли бошқарувни қўллаш.

Ушбу дастур бизнес жараёнларни рақамли бошқарув орқали ходимларнинг иш вақтида самарали меҳнат кўнималари даражасини аниқлаш ва улардан фойдаланишни ўз ичига олади. Миллий натижа: Германияда ялпи ички маҳсулотдаги бизнес улуши - 53% (2019)


БРИТАНИЯ ТАЖРИБАСИ: Қариялар учун бизнес дастури методологиясининг асоси бизнес бошқаруви билан бир қаторда етакчиликни ривожлантиришdir. Миллий натижа: ВБуюк британияда ялпи ички маҳсулотдаги бизнес улуши - 51%

ЯПОНИЯ ТАЖРИБАСИ: Бизнес дастурлари марказлаштирилмаган, лекин юқори сифатли маҳсулот ва хизматларга эришиш учун уларнинг корпоратив бошқарувга асосланган модулларини ўз ичига олади. (Канбан усули). Миллий натижа: Мамлакатда улгуржги савдонинг 62 фоизи ва чакана савдонинг 78,5 фоизи кичик

ПЕШҚАДАМЛИК
МАЛАКАЛАРИ

РАҚАМЛИ
МЕНЕЖМЕНТ

РАҚАМЛАШТИРИШ



ЛОЙИХАНИНГ ИЛМИЙ ЯНГИЛИГИ

Аёлларга турли соҳаларда бизнес юритиш кўникума ва билимларни ўргатиш тизимини шакллантирадиган инновацион маҳсулот яратиш. Ушбу маҳсулот модулли, кўп босқичли ўқув тизимини яратишни ўз ичига олади.

01

Маҳсулотнинг гендер йўналиши. Бу, биринчи навбатда, қишлоқларда ва чекка ҳудудларда барқарор даромадга эга бўлмаган, лекин тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган аёлларга мўлжалланган.

02

«Оддийидан мураккабига» бизнес ўргатиш асосида тадбиркорликни нимадан бошлишни билмайдиган аудиторияга тақдим этиладиган модулли схема. Ҳар бир модуль тадбиркорликнинг алоҳида босқичига бағишиланади: тадбиркорликни тартибга солувчи қонунчилик, бухгалтерия ҳисоби, солиқقا тортиш, бозор таҳлили, маркетинг, меҳнат қонунчилиги ва бошқа йўналишлар.

03

Таълим ва тадбиркорлик фаолиятини ўйғунлаштирган тизим туфайли биринчи навбатда натижа самарадорлигига эришилади. (тўлиқ курсни тамомлаган аёллар тадбиркорлик фаолиятларини имтиёзли молиялаштириш бўйича давлат дастурлари имкониятларидан фойдаланадилар).

04

Таълим дастурлари ва модулларини рақамлаштиришга асосланган технологияларни жорий этиш масофавий таълим тизими учун шароит яратади.

05

Кичик бизнес бўйича уй шароитида минимал маълумотга эга бўлгандан сўнг, айниқса, қишлоқ жойларда ва чекка ҳудудларда яшовчи тадбиркор аёллар сони кўпаяди.

06

Муаммонинг илмий ёчимини таъминлаш усуллари ва илмий ёндошувлар

1. Ўзбекистонда аёллар тадбиркорлигини янада ривожлантириш “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш, аёлларнинг тадбиркорлик соҳасидаги билим ва кўникмаларини оширишга қаратилган ягона ОНЛАЙН платформа яратиш.
2. Тадбиркор аёлларга амалий қўлланмалар тайёрлаш учун Онлайн платформа тизимидан фойдаланган ҳолда тадбиркорлиги ривожланган, қонун ҳужжатлари ўхшаш бўлган хорижий давлатлар меъёрий ҳужжатларини (Россия, Корея) ўрганиш.
3. Масъул ва манфаатдор ташкилотлар билан бирга қўйидаги тадбирларни ташкил этиш:
 - Лойиха бошида ва якунида 2 та Давра суҳбатини ўтказиш
 - Платформа тақдимоти амалга ошириладиган 1 та конференция
 - Платформа бошқарувчилари учун 1 та ўқув семинари
4. Онлайн платформани яратиш ва синовдан ўтказиш
5. Тадбиркорлар, кенг жамоатчилик ва вакиллар учун ахборот материалларини тайёрлаш ва нашр қилиш.
6. Web-сахифаларга онлайн платформа юклаб олиш ҳаволасини яратиш.
7. SCOPUS, ВАК ва бошқа нуфузли халқаро ва миллий илмий журналларда, электрон нашрларда юқоридаги фаолият, таҳлил, тадқиқот натижалари ҳақида материалр чоп этиш.

ЯКУНИЙ НАТИЖА ТАВСИФИ

- Хотин қизларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш, қайта тайёрлаш ва тадбиркорлик фаолиятларини ривожлантириш, уларнинг тадбиркоролик соҳасидаги билим ва қўникмаларини ошириш бўйича тахлилий маълумотлар тайёрлаш;
- Хотин қизларга тадбиркорлик соҳасидаги билим ва қўникмаларни ўргатиш, уларнинг тадбиркорлик фаолиятларини ривожлантиришда онлайн платформадан фойдаланиш бўйича амалий қўлланмалар тайёрлаш;
- Ягона онлайн платформа концепциясини яратиш;
- Ягона онлайн платформани ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

Лойиҳа илмий гуруҳи аъзолари ва уларнинг вазифалари

- **Мурадова Хусния Мухитдиновна**, профессор, иқтисод фанлари доктори – лойиҳа раҳабари – лойиҳага умумий раҳбарлик.
- **Маҳмудова Гулнора Ғуломназаровна**, “Тадбиркор аёл” Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси раиси – ижрочи ташкилот раҳбари, концепция ва йўл харитасига масъул.
- **Эргашев Бахтияр Исмаилович**, иқтисод ва ҳуқуқ фанлари бўйича мустақил эксперт – лойиҳа доирасида ўтказиладиган тадқиқотларга масъул.
- **Насриев Илхом Исмоилович**, юридик фанлар доктори, профессор, Судьялар олий мактаби Фуқаролик ҳуқуқи кафедраси мудири – тадбиркорликни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари, солиқ ва божхона қонунчилиги, молиявий масалаларни тартибга солувчи ҳужжатлар мажмусини ўз ичига оловчи электрон шаклдаги маълумотлар базаси яратилишига масъул.
- **Шерматов Бурҳон Раҳимович**, “Тадбиркор аёл” Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси Стратегик ривожланиш директори – лойиҳа мувофиқлаштирувчиси, лойиҳа календарь режаси ижросига масъул.
- **Турдикулов Самин Садикович**, АП” МЧЖ таъсисчиси, бизнес тренер – Онлайн Платформа техник параметрлари ва стандартларига масъул.
- **Нишанова Васила Нигматуллаевна**, “Тадбиркор аёл” Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси лойиҳа координатори, лойиҳа доирасида жамоатчилик билан алоқалар ва ПИАР масалаларига масъул.
- **Юсупова Шахноза Адхамовна**, бизнес тренер – яратиладиган ўқув қўлланмалари учун масъул.
- **Джамалова Нигора Ҳабибуллаевна**, бизнес тренер - яратиладиган ўқув қўлланмалари учун масъул.
- **Убайдуллаев Жамолиддин Кудратиллаевич**, мустақил изланувчи.
- **Диметова Дилдора Абдуманнаповна**, “Тадбиркор аёл” Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси бош бухгалтери – лойиҳа ҳисобчиси.



**Эътиборин-
гиз учун
раҳмат**